O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 26 июл пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 146 (2708)



*Сўз — Ўзбекистон Қаҳрамонига*

***Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида хўжалигимизда хорижий технология асосида ишлайдиган замонавий корхона ўз фаолиятини бошлайди. Унда жаҳон андозалари даражасида мева ва сабзавот шарбатлари тайёрланади. Эллик киши иш билан таъминланади.***

***Янги корхонани ўз кучимиз, ўз ҳаракатимиз билан қуриб тугаллаяпмиз. Қарз ёки моддий ёрдамга муҳтожлик сезмадик. Қурбинг етса, ҳамма нарса ўзингдан бўлгани яхши. Ана шунда даромадинг ҳам, фойданг ҳам тўлиқ ўзингники бўлади.***

## ЭРКИНЛИК ЭЗГУЛИККА ЕТКАЗДИ



Хўжалигимиз кейинги ўн йил ичида бирор марта шартнома режаларини бажармай қолган эмас. Айниқса, сўнгги 3-4 йил ичида экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ёрдамчи тармоқлар ишини кучайтириш ҳисобига олинадиган соф даромадни кўпайтирдик. Шу маблағнинг бир қисмини яхши ният билан янги корхона қуриш учун ажратдик. Мана шу маблағ ўз ўрнига тушди. Натижада бугун умумий қиймати 200 миллион сўм турадиган катта заводга эга бўлдик.

Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, узоғи билан уч йилда корхона харажатлари тўла қопланади. Маҳсулотларимизни асосан хорижга экспорт қиламиз. Мутлақо гард тегмаган, тоза ва шаффоф, мазаси оғизда қоладиган олма, нок, сабзи шарбати шунга арзишига кафолат бор.

Табиийки, келгусида банкда валюта ҳисобимиз бўлади. Кўплаб мутахассисларимизни чет элларда ўқитиб оламиз. Хуллас, ширкатимиз аҳли келажакка катта ишонч ва умид билан қарамоқда.

Беихтиёр хаёлимга бундан ўн беш-йигирма йиллар олдинги бир воқеа тушади. Ўшанда ҳам хўжаликда раис эдим. Бир катта йиғинда мева-сабзавотни консервалаш, қуритишни кенг йўлга қўймоқчимиз. Бу кони фойда, деган гапларни айтдим.

Таклифим маҳаллий раҳбарларга маъқул келмади. Майда гапни қўйинг, пахтадан, шолидан сўзланг, дея маслаҳат беришди. Аслида пахта, шоли етиштиришда ҳеч кимдан кам эмасдик.

Шундай муносабатдан кейин нафақат мева-сабзавотдан унумли фойдаланиш, балки барча истиқболли ишлар четга сурилди. Барибир ўша йили кичкинароқ бўлса-да, консерва цехи қурдик. Лекин ҳеч кимга овоза этмадик.

Бугунгидай эркинлик хўжаликка, унинг раҳбарига қачон берилган? Хўжалик учун фойда, даромад келтирадиган соҳада майда гап борми? Уни ҳеч ким, ҳеч нарсада чеклаб қўйгани йўқ.

Бунинг ўрнига ҳар томонлама мадад берилаяпти, ёрдам кўрсатиляпти.

Агар бор гапни айтсам, ширкатнинг 5 аъзоси хизмат қиладиган консерва ва қуритиш цехи ҳар йили бир неча миллион сўм даромад келтирмоқда. Яна шундай ўнта цехимиз бор. Уларда аҳоли учун муҳим бўлган озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари тайёрланаяпти.

Пахтани ҳам, бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ҳам сира унутиб қўяётганимиз йўқ. Ҳатто қурғоқчилик ҳам, табиий қийинчиликлар ҳам ҳосил чўғига, эл-юрт ризқига таъсир эта олгани йўқ.

Ҳурматли Президентимиз Хоразмнинг тарихига, бугунги кунига, юрагида ўти бор элдошларимизнинг фидокорона меҳнатларига доим юксак баҳо бериб, қадрлаб келмоқда. Бу халқимизни улуғвор ишларга руҳлантириб турибди. Юртбошимизнинг даъваткор сўзлари, доимий эътиборлари ҳаммамизнинг юрагимизга унутилмас ҳаяжон солган. Бу бизни ҳалол меҳнатга, бунёдкорона ишларга ундамоқда.

**Машариф ҚУВОҚОВ,**
**Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Халқ шоири билан учрашув

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида адабиёт, санъат, илм-фан намояндалари жойларда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Термизда бўлиб ўтди.

Сурхондарёлик шеърият мухлислари Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашдилар. Атоқли шоир учрашувда Она-Ватанга асл фарзандлик муҳаббати, халқимизнинг яратувчилик салоҳияти, Озодликнинг миллат тақдиридаги бетимсол ўрни-аҳамияти, иймон-эътиқод, пок инсоний туйғулар тараннум этилган шеърларидан намуналар ўқиди. Сурхондарё вилоят газетасида бир муддат ишлаб юрган кезлари ёзган “Сен баҳорни соғинмадингми?” шеърининг яратилиш тарихи, воҳанинг оташқалб одамлари табиатидаги ўзбекона тантилик ва жўмардлик, Сурхон воҳасидан етишиб чиққан ижодкорлар ҳақида, шу йили кузда 2500 йиллиги нишонланадиган Термиз шаҳрининг ўтмиши, бугуни ва вилоят аҳли ҳаётида истиқлол йилларида рўй бераётган янгиланишлар жараёни хусусида тўлқинланиб ҳикоя қилди.

Учрашувда эл севган шоир шеърларига басталанган қўшиқлар янгради. Мамлакатимизда кечаётган адабий жараён, шоирнинг ижоди ва ҳаёти, ижодкорнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни тўғрисида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**(ЎзА).**

*Маърифат соати*

***Шу йилнинг июн ойида Элликқалъа туманига Европа Иттифоқи парламентининг бир гуруҳ аъзоларидан иборат меҳмонлар ташриф буюрдилар. Таомилга кўра, мўътабар меҳмонлар туман чегарасида нон-туз, гуллар билан кутиб олинди. Улар орасида Европа Иттифоқига аъзо бўлган Буюк Британия, Германия, Бельгия, Голландия, Греция мамлакатлари вакиллари бор эди.***

## ТИЛ — ТАФАККУР КЎЗГУСИ

Ногоҳ элликқалъалик ўқувчи ва талаба ёшлар меҳмонлар олдида саф тортишди. Бундан мақсад нелигини меҳмонлар англаб етишмаган, шу боис у қадар синчковлик билан қарашмас эди. Шунда ўқувчилар инглиз тилида шеър ўқишни бошлаб юбордилар. Табиийки, меҳмонлар бирдан сергак тортиб қолдилар, юзларига қониқиш ҳамда табассум аломатлари ёйилди. Инглизча қўшиқ бошланганида эса қувончдан деярли ўйинга туша бошлашди. Бир неча дақиқадан сўнг французча шеър, қўшиқ, кейин немис тилида шеър янгради. Энди барча меҳмонлар жазирама иссиқни ҳам, чарчоқни ҳам унутишган, ўқувчилар билан улар орасидаги кўринмас девор йўқолган эди. Бунинг устига бир кун олдин АҚШдаги таҳсилидан таътилга қайтган элликқалъалик талаба қиз Санобар гуруҳ раҳбари, бошқа меҳмонлар билан суҳбатини ўта эркин олиб бораётган, маҳаллий журналистларни қизиқтирган саволларни уларга, уларнинг жавобини бизларга таржима қилаётган эди.

Ишонсангиз, ўша дақиқаларда туман чегарасида чинакам мўъжиза юз берган эди. Кимдир машҳур Бобил минорасини, кимдир Миср эҳромларини ушбу оламнинг бетакрор мўъжизалари деб атайди. Аслида воқелигимизнинг чин мўъжизаларидан бири тил экан.

Қодир Оллоҳ ўн саккиз минг оламни бино этиб, Одам Атони моддий ва маънавий бойликлар соҳиби қилгач, унга Момо Ҳавога нисбатан меҳру муҳаббатини изҳор қилиш учун тил, меҳнати эвазига ризқ-рўзнинг боши — нон ҳадя қилди. Бугунги кунгача бўлган тарихимиз маълум маънода тиллар тарихи, тилларнинг такомиллашиши тарихи ҳисобланади.

Олис тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги Ватанимиз сарҳадларида Авесто тили, сўғд тили, хоразм тили, сак тили, бақтрия тили, парфия тили каби қадимий тиллар минг йиллар давомида инсонлар орасида, халқлар орасида бебаҳо алоқа воситасини ўтаганидан бохабар бўламиз. Бу тиллар ўлмас «Авесто» саҳифаларида, Хоразм, Зарафшон, Марв, Сурхон воҳаларидан топилган минглаб моддий ашёларда ўз изини қолдирган.

Фан, адабиёт бобида бой мерос қолдирган улуғ бобокалонларимизнинг деярли барчаси бир неча тилни мукаммал билишган. Зеро, тил тафаккурни ифодалашга хизмат қилади. Зардушт пайғамбар «Авесто»нинг муборак саҳифаларида «Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар айтишга, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман», дея лутф этган эди.

Юз минг саҳиҳ ва икки юз минг ғайри саҳиҳ ҳадисни ёд билган улуғ бобокалонимиз Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари «Имон сўз ва амалдан иборатдир» деб зикр этганлар. Ўлкамиздан етишиб чиққан оламшумул алломалардан Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Замахшарий, Улуғбек ва бошқаларнинг ҳар бири ўзига хос тил билимдонлари бўлишган.

Бу ўринда буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг муборак номини алоҳида келтириб ўтиш жоиздир. У ўз она тили — хоразм тилини астойдил севган. Муаллифнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридан олинган қуйидаги парча фикримизга тўла далил бўла олади:

*«Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган, билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у хабар ва ривоятлар ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди».*

Беруний она тилидан ташқари араб, сўғд, форс, сурёний, юнон, қадимги яҳудий, санскрит тилларини мукаммал билган. «Сайдана» номли асарида у юнон тилини ўрганган хусусида ёзади:

*«Мен болалик чоғимданоқ (ўз) ёшим, шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида (қуйидагини) келтириш кифоя: биз турадиган жойга (ўшанда) бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим».*

Беруний ўз даврида 150 га яқин илмий асарлар ёзган бўлиб, у қолдирган мерос жаҳон фанининг қўл етмас чўққиларидан бири саналади. Бунчалик улкан шуҳратга, бунчалик теран тадқиқотларга у бир жиҳатдан тил билгани учун ҳам эришгани аниқ. Ёки улуғ бобокалонимиз аз-Замахшарийнинг араб тили грамматикасини, филологиянинг муҳим масалаларини қамраб олган асарларини олинг. Улуғ Навоий ҳам ўзбек адабий тили, ҳам форс тилида гўзал асарлар ёзган эди. Бу анъана Бобур, Огаҳий, Нодиралардан тортиб, Беҳбудий, Фитрат, Айнийларгача давом этиб келди.

Муборак ўн йиллиги нишонланаётган истиқлолимиз барча жабҳалар қатори маънавиятда, тил ўрганиш борасида ҳам янги уфқлар очди. Айни кунда юзлаб йигит-қизларимиз хорижнинг энг нуфузли дорилфунунларида сабоқ олмоқдалар. Тошкентда, вилоятларда бир қанча тил ўрганиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Оққан дарё қайта оқмоқда. Йигирма биринчи асрнинг хоразмий, беруний, ибн сино, замахшарийлари фан сирлари билан бирга бошқа тилларни ҳам мукаммал ўрганишга киришмоқдалар. Тил элларни элларга, дилларни дилларга пайванд айлайди!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Фарғона**

Вилоят фаолларининг йиғилишида ижтимоий- иқтисодий ривожланиш борасида белгиланган дастурларнинг бажарилиши атрофлича таҳлил қилинди.

Вилоятда халқ хўжалигининг барча тармоқларида истиқбол кўрсаткичлари бўйича белгиланган режалар бажариляпти. Ўтган йилга нисбатан ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш сезиларли миқдорда ошган.

Анжуманда эришилган ютуқлардан кўра ҳал этилмаётган муаммолар, хато ва камчиликларни қатъий мезонлар асосида танқидий баҳолашга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларга қулай меҳнат ва сармоя муҳити яратиб бериш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги қайта-қайта такрорланди. Ҳамон банклар томонидан кредит маблағлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эмас, савдо, тижорат, воситачилик йўналишларига берилаётгани, кичик ва ўрта бизнес субъектлари хўжалик ишларига асоссиз аралашиш, ортиқча текширувлар ҳамон давом этаётганлиги рўй-рост айтилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Анжуманда республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов ва вилоят ҳокими А.Отабоев сўзга чиқди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

***Жойларда 2001 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш тадбирлари белгиланмоқда.***

**Термиз**

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидландики, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. Пилла ва ғалла тайёрлаш шартнома режалари ортиғи билан бажарилди. Аммо иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлган кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш замон талабидан орқада қолмоқда.

Янги технологиялар асосида ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар кам. Чет эл инвестициясини жалб қилиш, тадбиркорликка имтиёзли кредитлар ажратиш борасида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, айниқса, аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш оқсамоқда.

Мажлисда кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, вилоят ҳокими Б.Олимжонов сўзга чиқди.

**Навоий**

Вилоятда жорий йилда сув тақчиллигига қарамай, давлатга дон сотиш шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ривожи ҳам яхши. Мамлакатимиз саноатида муҳим ўрин тутадиган Навоий кон-металлургия, цемент, азотли ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ишлар бир маромда кетмоқда. Вилоятда бугунги кунда 25 та қўшма корхона, 2 минг 140 та фермер хўжалиги, турли йўналишдаги юзлаб тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатяпти. Бироқ кичик ва ўрта корхоналар тармоғини ривожлантириш, сафини кенгайтириш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги улушини ошириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас.

Вилоят фаоллари ана шу муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов, вилоят ҳокими Ғ.Дилов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Сайлов яқин*

## Муносибларни эл танлайди

***Маълумки, шу йил 29 июлда айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов бўлиб ўтади. Бу ҳақда республика Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қарор қабул қилди. Қарорга асосан жойларда округлар тузилди.***

Бўшаб қолган ўринларнинг энг кўпи Қашқадарё вилоятида: 217-Қарши, 219-Ғузор, 220-Деҳқонобод, 221-Қамаши, 266-Яккабоғ округларида сайловлар бўлиб ўтади.

Бу округлар бўйича ҳокимият вакиллик органлари ва сиёсий партиялар ўз номзодларини кўрсатдилар. Айни пайтда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтаяпти. Уларда турли фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилмоқда. Сайловчилар бўшаб қолган ўринларга кўрсатилаётган номзодларга жиддий муносабатда бўлмоқдалар. Ҳар бир ўринга иккитадан номзод қўйилганлиги сайловчи учун танлаш ҳуқуқини юзага келтиради.

Учрашувларда депутатнинг бугунги ваколати, унинг халқ олдидаги бурч ва масъулияти хусусида сўз юритилаяпти. Бугунги сайловчи ўз вакилидан нимани талаб қилишни яхши билади. Учрашувлардаги фаолликнинг ўзиёқ одамлар сайловда кимнинг сайланишига бефарқ эмасликларини кўрсатади.

Жойлардаги барча сайлов участкаларида бу муҳим сиёсий тадбирни ўтказишга етарли тайёргарлик кўрилган. Сайловчилар учун қонунда кўрсатилган шарт-шароитлар яратилган. Шу жиҳатдан қаралганда сайловнинг уюшқоқлик асосида ўтишига шубҳа қилмаса бўлади.

Хуллас, бўшаган ўринларга муносибларнинг муносиби сайланади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Долзарб мавзу*

## Бизга рақобатбардош маҳсулотлар зарур

Рақобатбардош маҳсулот дегани нима? Бу сифатли, ташқи кўриниши чиройли, яъни дизайни мукаммал, энг муҳими, қулай, харидорни ўзига тортадиган, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган тарзда қадоқланган товардир.

Бугунги кунда бизда бундай маҳсулотлар борми? Ҳа, бор. Мисол учун, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига қарашли «Андижон дурдонаси» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олиб кўрайлик. Ўрик компоти ва қиёми, шафтоли ва олма шарбати, беҳи қиёми, лавлаги салати, томат пастаси, мариновкаланган бодринг, помидор, саримсоқ ва патисон консервалари... Буларнинг ҳаммаси 300 граммдан бир литргача бўлган бежирим шиша ва қоғоз идишларга қадоқланган. Айниқса, улардаги ёрлиқларнинг чиройлилигини айтмайсизми?! Шу боис харидорлар беҳисоб. Ишонсангиз, шу кунларда «Ўзэкспомарказ» павильонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этилган савдо-иқтисодий кўргазмасини бориб кўринг. Бу ерда айни шу жамиятда қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

«Тойлоқконсерва» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида эса ўтган йили 3 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари қайта ишланиб, шунинг ҳисобига 6 миллион сўм соф фойда олинди.

Нима учун биз гапни айнан қишлоқ хўжалик хомашёси ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидан бошладик? Гап шундаки, республикамизда бу борада катта имкониятлар мавжуд. Юқорида қайд этилган мисоллар ҳам буни исботлаб турибди. Бироқ, афсуски, ҳозир меванинг атиги 15 фоизи, сабзавотнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларининг 5 фоизи, узумнинг 23 фоизи қайта ишланмоқда, холос.

(Давоми 2-бетда).




**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Элликқалъа тумани ҳокимлиги**

***шу йилнинг 27-28 июл кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳридаги Санъат саройида мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамига бағишланган «НАЗМ ва НАВО» кечаси ўтказади.***

***Унда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи шоирлари, санъат усталари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ижодкор ҳамда ижрочи ёшлари ўз чиқишлари билан иштирок этадилар.***

4501

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**



### Югославияда янги ҳукумат

Югославия парламенти янги ҳукумат аъзоларини тасдиқлади, деб хабар беради Франс-пресс агентлиги. Хабарда айтилишича, мамлакат Бош вазири курсисига социалистик партия аъзоси Драгиш Пешич ўтирди. Маълумки, у С.Милошевич президентлиги даврида молия вазири лавозимида фаолият кўрсатган эди. Янги ҳукуматда жами ўн нафар мулозим вазирлик портфелига эга бўлишди. Молия вазири — Йован Ранкович, ташқи ишлар вазири — Горан Свиланович, ички ишлар вазири — Зоран Живкович ва мудофаа вазири этиб эса Слобадан Краповичлар тайинланди.

### Кондолиза Райс йўлга чиқди

Кеча АҚШ президентининг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси К.Райс хоним Киевда Украина раҳбари Леонид Кучма билан учрашди. Ўзаро мулоқотда улар бир неча масалалар қаторида ракетадан мудофаа тизимини яратиш режаси хусусида ҳам фикр алмашишгани айтилмоқда. Ва, кечанинг ўзидаёқ К.Райс Москвага етиб келди. Хабарларда таъкидланишича, Райс хоним Россияда ҳам Кремл мулозимлари билан айни масалада музокаралар ўтказади. Маълумки, яқинда Хитой раҳбари Цзян Цзэминь билан юзма-юз мулоқотда бўлган Украина президенти мазкур режага қарши эканлигини билдирган эди. Буни назарда тутганлар эса айни ташриф айтарли самара беришига гумон қилишмоқда. Аммо Оқ уйнинг асосий мақсади шуки, АҚШ ҳудуди ва аҳолисини режаланган ёки тасодифий оммавий қирғин қуроллари ҳужумидан ҳимоя қилишдан иборат, холос.

### Қутқарувчилар чорасиз қолишди

Хитойнинг Сюйчжоу шаҳридаги кўмир шахтасида портлаш юз берди. Офат натижасида икки юз олтмиш метр чуқурликда бир юз беш нафар кўмир қазувчи тириклайин кўмилиб қолди. Улардан ўн учтасигина юқорига чиқишга муваффақ бўлган. Қутқарувчиларнинг хабар беришича, ҳозир шахтадагиларнинг қирқ олтитаси ҳалок бўлгани аниқланган. Қолган қирқ олтитасининг қисмати ҳам шундай бўлса керак. Чунки уларни қутқаришнинг иложи йўқ.

**Сўнгги сонияларда...**

*Кеча Рейтер ахборот агентлигининг раҳбари сифатида фаолият бошлаган Том Глорес бир минг юз нафар ходимни ўз вазифасидан озод этишини маълум қилди.*

* * *



*Душанба куни истеъфога чиқарилган Индонезиянинг собиқ раҳбари А.Воҳид президентлик саройидан яқин кунларда чиқмаслигини маълум қилди. Индонезиянинг янги президенти янги ҳукумат тузиш ишларини бошлаб юборди.*

* * *

*Хитой суди АҚШда фаолият олиб бораётган социолог Д.Чиянни Тайван фойдасига айғоқчилик қилганликда айблаб, 10 йилга қамоқ жазосига маҳкум этди.*

*Илдизлари теран дарахт*

**Сурхондарё вилояти**

# Дўстликдадир кучимиз

Мустақилликни асрашда миллати, диний мансублигидан қатъи назар, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурч ва масъулияти бор. Вилоятимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз қалбида шу озод ва обод Ватанни севиш ва у билан фахрланиш ҳисси баланд.

Ҳозирги пайтда вилоятимизда бу серқуёш ўлкани ўзининг Ватани деб биладиган олтмишдан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб, меҳнат қилиб, эзгу умидлар билан фарзандларини вояга етказмоқдалар. Вилоятимизда 1 миллион 740 мингдан зиёд аҳоли бор. Шундан 24 минги рус, 200 мингдан ортиғи тожик, 23 мингдан зиёди туркман, 8 минги татар, 2,5 минги украин, 2,5 минги қозоқ, 1,5 минг нафарга яқини корейслардир.

Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, тинч-тотув яшаш, ўз тилларида сўзлашиш ва урф-одатларига эркин амал қилиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Вилоятимизда ўзбек, рус ва тожик тилларида газеталар чиқиб турибди, радио ва телевидение кўрсатув, эшиттиришлари мунтазам бериб борилмоқда. Вилоят мактабларида таълим ўзбек, тожик, рус ва туркман тилларида олиб борилади.

Мустақиллик йилларида вилоятимизда рус, тожик, туркман, корейс миллий-маданий марказлари ташкил этилди. Уларда халқлар иноқлигини таъминлаш, илғор миллий анъаналар ва урф-одатларни ривожлантиришга йўналтирилган қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Турли тилларда маданият, тил ва санъат марказлари, фольклор-этнографик дасталари, ҳунармандчилик таянч нуқталари ташкил этилган. Уларда ҳар хил тадбир ва мусобақалар, кўрик-танловлар, кўргазмалар ўтказилмоқда. Масалан, Сариосиё туманидаги «Зевари», Бойсун туманидаги «Болажон», «Ширу-шакар», Олтинсой туманидаги «Вахшивор» каби фольклор-этнографик дасталар фаолияти миллатлараро муносабатларнинг яхшиланишига, маданий ҳаёт ривожига ёрқин мисол бўла олади. Бу дасталарнинг репертуарларидан турли миллат ва элатларнинг ашула ва рақслари ўрин олган. Шунингдек, Термиз шаҳридаги рус миллий-маданий марказига қарашли рус драматик театри фаолияти ҳам ибратли.

Наврўз байрамини нишонлаш хусусида ҳам тўхталиб ўтмасдан бўлмайди, албатта. Бу ҳақиқий халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда миллати, динидан қатъи назар, барча халқлар вакиллари иштирок этишмоқда.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ва қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик байрамлари арафасида олиб борилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик, ишларининг кўлами кенг, халқлар ўртасидаги дўстликни ифода этувчи дастурларни тайёрлашда турли миллат вакиллари ҳамкорлик қилаяптилар.

Миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, миллий-маданий урф-одатлар ва қадриятлар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган корейс миллий-маданий марказининг бошлиғи, Термиз дарё порти раҳбари Алексей Сергеевич Кан, рус миллий-маданий марказининг раҳбари Дмитрий Золотарёв, тожик миллий-маданий марказининг бошлиғи Абдусаттор Ҳасанов, туркман миллий-маданий марказининг бошлиғи Қурбондурди Жумаев, рус педагогларидан Термиз шаҳридаги 3-мактаб директори Ирина Бердникова, Термиз шаҳридаги 15-мактаб директори Светлана Грачева, Термиз давлат университети чет тиллар факультети декани, доцент, украин миллати вакили Светлана Кривонос, жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, поляк ўғлони Анатолий Залесский ва бошқа ўнлаб фидойи инсонларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин. Шу ўринда газетхонлар диққатини маҳаллий «Заря Сурхана» газетасида чиққан бир мақолага қаратмоқчиман. Вилоят рус миллий-маданий маркази фаолларидан бири нималарни ёзган: «Баъзан телефон китобчасини қўлимга олсам, маъюс тортиб қоламан. Менинг айрим дўстларим ва таниш-билишларим бошқа юртларга кетишди. Баъзилари мендан ҳам бир неча марталаб: «Кўчиб кетасизми?» деб сўраб қолишади.

Йўқ, кўчиб кетмайман. Борадиган жой йўқлиги учун эмас, балки нима учун, нега, деган саволга жавоб йўқлиги учун. Менинг теран илдизларим шу ерга туташ, менинг уйим шу ерда, менинг ҳаётим шу ерда.

Унча узоқ бўлмаган жойда, дарёнинг нариги тарафидаги Афғонистонда ҳалиҳанузгача қон тўкилмоқда. Қўшни Тожикистонда ҳам нотинчлик. Бу ерда эса биз тинчлик ва дўстлик бағрида яшаяпмиз, янги демократик давлат қуряпмиз. Талашиб-тортишадиган нарсамиз йўқ: осмонимиз бир, мақсадимиз ягона — фарзандларимизни бахтли қилиш».

Менимча, қалбдан чиққан мана шу сўзларда дўстлик ва тинчликнинг қадр-қиммати, туғилиб ўсган она-Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат туйғулари тўлиқ мужассам.

Ҳар бир миллат вакили, Ўзбекистон Конституциясига кўра, тенг ҳуқуқ ва имтиёзларга эга. Улар жойларда ўзларининг миллий анъаналари асосида турли мавзуларда анжуманлар, жумладан, пушкинхонлик, абайхонлик, хайёмхонлик, «Манас», «Алпомиш», эпосларига бағишланган кечалар, Махтумқули, Шекспир, Гёте, Данте, Навоий ижодиётига бағишланган илмий конференциялар ўтказмоқдалар. Бахшичилик мактаби ҳисобланган Сурхон заминида бахши, оқинларнинг халқаро кўрик-танловларини ҳар икки йилда бир марта ташкил этиш анъанавий тусга айланди. Мустақилликнинг илк йилларидан бери ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш халқаро мусобақалари ҳам одамларнинг бир-бирлари билан дўстлашишларига хизмат қилмоқда.



Албатта, халқимизнинг миллий тотувлигини, жипслиги ва ягона оила бўлиб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқпарвар, демократик жамият қуриш йўлидаги ишларимизни кўра олмаётган ғаламислар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳамиша сергак ва огоҳ бўлиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

**Қувондиқ МАДАРТОВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.**

## «Мен Ватан деб, атаган диёр»

Эрталаб ишга кетаётиб, ҳар қадамда ҳамшаҳарларимга дуч келаман. Қанча-дан-қанча дўстларим, танишларим бор. Термиз шаҳрида ярим асрдан буён яшаяпман. Отам фронтдан қайтиб, уйланганларидан сўнг узоқ Рязан вилоятидан келиб қолишган. Онам 40 йил Термиз шаҳридаги мактабда муаллимлик қилди, ўзбек болаларига немис тилидан сабоқ берди. Қабрлари ҳозир Термизда. Байналмилалчи жангчиларнинг вилоят кенгашини тузган турмуш ўртоғим Муҳаммади Аҳмедовнинг жасади ҳам ана шу қабристонда дафн этилган.



Ўғлим ҳам отасига тортди: зобит бўлди. У ҳозир Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини ҳимоя қилмоқда. Катта қизим университетни аъло баҳоларда тугатди, шаҳримиздаги академик лицейда ишлаяпти. Кичик қизим 8-синфда ўқияпти. Битта набирам бор. Шаҳримизда «Рус маданияти» ассоциацияси фаолият юритаяпти. Мен ҳам унга аъзоман. Ундаги тадбирларда фаол иштирок этаман. Бир куни ассоциация аъзолари вилоят телевидениесида рус тилида кўрсатув ташкил этиш таклифини ўртага ташладилар.

Шу мақсадда Термиздаги «Ишонч» жамоатчилик телевидениеси директори Абдуғани Қодировга учрашдим. У менинг таклифларимни қўллаб-қувватлади. Ана шундан буён «Единство» («Бирлик») кўрсатувини олиб бораяпман. Бу бора-бора менинг муаллифлик кўрсатувимга айланиб қолди. Ўзим сценарий ёзаман, ўзим режиссёрлик қиламан. Кўрсатувни ҳам ўзим олиб бораман. Бу ишларни жамоатчилик асосида бажараман. Кўрсатувларим кўпчиликка маъқул келаётганидан бошим осмонга етади.

Мен ёлғиз эмасман. Мен кабилар «Рус маданияти» ассоциациясида жуда кўп. Бундан бир неча йил аввал ассоциация аъзолари катта ишга қўл уришди: XIX аср ёдгорлиги — Александр Невский православ черковини қайта тиклашга киришишди. Улар ушбу ибодатхонани шаҳарнинг 2500 йиллик тўйигача қайта тиклашни ўзларининг бурчлари, деб билишади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган ажойиб сўзлари бор. Ўз тарихи ва илдизларини билмайдиган одамни қавмини ҳам эслаёлмайдиган манқуртга қиёс қилиш мумкин.

Биз сахий ва меҳмондўст ўзбек халқининг тупроғида яшаяпмиз. Ўзга миллат ва диндаги халқлар билан ёнма-ён яшаш ўзбекларга хос бўлган нодир хислатдир. Шу ўлкада яшаб келаётган эканмиз ва у эндиликда бизнинг ҳам Ватанимиз бўлиб қолган экан, биз унинг тарихини, маданиятини, анъаналарини, урф-одатларини, тилини ҳурмат қилишимиз шарт. Бунга ўз болаларимиз ва набираларимизни ҳам ўргатишимиз лозим. Майли, улар ўз она тилларини ва тарихий Ватанларини эсдан чиқармасинлар. Лекин ҳозир ўзлари яшаётган ўлкани ҳам севсинлар ва қадрласинлар.

**Алия Маматказина,**
**Сурхондарё вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг кабинет мудири.**

## Буюк неъмат

Яқин ўтмишни эсласам, дарров она тилимиз ёдга тушади.У, айниқса, охирги пайтда ўзаро мулоқот учун эмас, балки хонаки тилга айланиб қолган эди. Тўйларимиз ва бошқа маросимларимиз тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Агар Мустақиллик бизга нима берди, деган саволни қўйсак, жавоби ўз-ўзидан намоён бўлади. Демак, тилимиз дилимизга қайтди. Қадимий ва азалий урф-одатларимиз бор бўйи билан намоён бўла бошлади. Бунга бизнинг қишлоғимиз ҳам мисол бўла олади.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоғимиздаги Охунбобоев номли ўрта мактабда туркман синфи очилиб, биринчи ўқувчиларни қабул қилди. Шунда Мустақиллик ҳамма учун чексиз имконият ва масъулият эканлигини қишлоғимиз муаллимлари илк бор ҳис этишди. Чунки дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар... барча-барчаси зарур эди. Ана шунда вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги, ота-оналар ёрдамга келишди. Баъзи ўқитувчилар олий ўқув юртларига малака ошириш учун юборилди. Айримлар Термиз дорилфунунида билимларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Мустақилликнинг ўн йиллиги нишонланадиган ушбу йилда ўз она тилларида таълим олган дастлабки ўғил-қизларимиз ҳаётга йўлланма олишди. Қишлоғимизда «Гунеш» бадиий ҳаваскорлик гуруҳини ташкил қилганмиз. Унга санъатга ихлосманд ёшларимиз жамланган. Даста ўзининг туркман ҳамда ўзбек куй-қўшиқларидан иборат чиқишлари билан тўй-тадбирларимизга файз бағишламоқда. Бу ҳам Мустақиллик берган буюк неъматлардан биридир.

**Ҳайдар ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**маҳалла оқсоқоли.**

## Бир умрга қолганмиз

1937 йилнинг кузида Приморье ўлкасида яшаб келган туб корейслар ҳам худди ингуш, чечен, немис, қолмиқ, болкар, қрим татарлари каби ўз тарихий ватанларидан мажбурий равишда кўчирилган эди. Бутун-бутун халқларни ўз Ватани, яшаб турган жойидан ёппасига мажбурлаб кўчириш сиёсати улар учун жуда катта зулм, жафо ва йўқотиш бўлди.

1937 йилнинг совуқ кузида эшелонларга тирбанд қилиб тиқилган корейслар бир ойлик йўлни босиб ўтиб, Ўзбекистонга келишди. Ота-боболаримизнинг айтишича, меҳмондўст, бағри кенг ўзбеклар ўша пайтда ҳам бегона миллат одамларига, гарчи тили, дини бошқа бўлса-да, ўз ёнларидан, ҳовлиларидан жой беришган. Қўлидан нима келса аямаган, ҳатто еб турган нонини ҳам берган. Корейс халқининг маҳаллий аҳоли билан сингишиб, худди опа-укалардай яшаб кетишига уларнинг менталитети бир хиллиги, ерга боғланиб қолганлиги, деҳқончилиги сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Сурхон воҳасида яшаётган корейслар ҳозир ҳам, асосан, деҳқончилик билан шуғулланади. Улар орасида корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият идоралари ходимлари, етук мутахассислар бор.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллатлараро муносабатлар янгича мазмун касб этди. Том маънодаги миллий-маданий марказлар тузилди. Термизда ҳам корейс миллий-маданий маркази тузилиб, у миллат маданияти, тили, урф-одати ва анъаналарини давом эттириш ва ривожлантиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди.

1992 йилдан бошлаб корейс миллий байрамларини ҳам нишонлаяпмиз. Масалан, ой календари бўйича янги йилни кутиш, «Чусок» ҳосил байрами ва бошқаларда фақат корейслар эмас, бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этишади.

«Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги нишонланган пайтда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», деган кўргазма ташкил этдик. Унда 50 дан ортиқ фотолавҳаларда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, шунингдек, корейсларнинг ҳам бу ютуқларга қўшган ҳиссаси имкони борича тасвирланди.

Жанубий вилоятда яшаётган корейслар Ўзбекистондаги бошқа барча миллат ва элатлар қатори республиканинг гуллаб-яшнаши учун янада фаол иштирок этишади, деган умиддаман.

**Алексей КАН,**
**вилоят корейс миллий-маданий маркази раиси.**

**Материалларни Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ ва «Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.**

# Бизга рақобатбардош маҳсулотлар зарур

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шу фойдаланилмаётган имкониятларни кимлар ишга солишлари керак? Албатта, тадбиркорлар. Чунки Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги нутқида «Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор», дея алоҳида таъкидлади. Аслида бу мамлакат раҳбари томонидан мазкур хўжалик юритувчи субъектларга билдирилган катта ишончдир.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатиш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг реал даромадларини кўпайтиришнинг ечими шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ. Шу боис кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмоқда, бу борада изчил давлат сиёсати олиб борилаяпти. Самарами?

Мустақилликнинг дастлабки йилида уларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши бор-йўғи 1,5 фоизга тўғри келган бўлса, бултур ана шу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этди. Айни кунларда эса мамлакатимизда 190 мингта кичик ва ўрта корхона фаолият кўрсатмоқда.

Бу корхоналарда асосий муддао — рақобатбардош, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун нималар талаб қилинади? Аввало, Юртбошимиз уқтирганидек, бозор конъюнктурасини ҳисобга олиш зарур. Чунки конъюнктура талаб ва эҳтиёжни ўзида акс эттириб, мунтазам равишда ўзгариб туради. Агар тадбиркор ана шу ўзгаришни доимо кузатиб борса, маркетинг билан шуғулланса, у кескин рақобат кураши жараёнида касодга учрамайди, аксинча, муваффақиятга эришади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш таркибини ўз вақтида ўзгартириб бориш ҳам муҳим. Бу дегани — ишлаб чиқаришни изчиллик билан модернизация қилиш, технологияни янгилаш, товарнинг кўриниши ва дизайни устида тинимсиз ишлаш, маҳсулот рекламасига кўпроқ эътибор қаратиш лозим. «Андижон дурдонаси» ҳиссадорлик жамиятида шу йўсинда иш юритилмоқда. Ва, табиийки, кутилган натижалар қўлга киритилаётир.

Яна шу нарсани унутмаслик керакки, ҳозирги шароитда ташқи жиҳатдан кўримсиз бўлган, харидорни ўзига жалб қилмайдиган, кўркам ва бежирим идишларга қадоқланмаган товарлар омборлардан нарига ўтолмайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бизга фақат харидоргир, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар керак. Давр талаби шу: мамлакатимизни гуллаб-яшнатиш ва халқ фаровонлигини таъминлашга азму қарор қилган ҳар бир ғайрат-шижоатли, ташаббускор ва тадбиркор инсон ана шу эзгу мақсад йўлида белни маҳкам боғлаб ишламоғи шарт.

**И.ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Юқори сифати ва бежирим кўриниши билан хориж маҳсулотларидан қолишмайдиган «Лоренадон» макаронларини бугун республикамизнинг барча савдо расталарида учратиш мумкин. Ўзбекистон ва Болгария ҳамкорлиги меваси бўлган «Лоренадон»да бир соатда 500 килограммдан зиёд, тўрт турдаги макарон ишлаб чиқарилмоқда.*

*Яқинда корхона қўшни қирғизистонликлар билан макарон маҳсулотлари етказиб бериш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолади. Эндиликда «Лоренадон» макаронлари Ҳамдўстлик давлатлари савдо пештахталарига ҳам етиб борса, ажаб эмас.*









**Суратларда: илғор ишчи Раҳбарой Боймуҳаммедова; «Лоренадон»нинг тайёр маҳсулотлари.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# «Хўрозга ҳайкал қўйиш керак, лекин...»



***Газетамизнинг шу йил 7 июн сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Урганч туманидаги Ш.Зарипов номли паррандачилик очиқ турдаги акциядорлик жамиятида собиқ раҳбарнинг ўзибўларчилиги, лоқайдлиги боис юзага келган салбий ҳолатлар очиб ташланганди. 6 ой тўхтаб қолган корхона қайта фаолият юрита бошлаганлиги айтилиб, унинг иши ўнгланиб кетишига умид билдирилган эди.***

**«Халқ сўзи»га жавоб берадилар**

Таҳририят ушбу танқидий мақолага Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамовнинг имзоси билан жавоб мактуби олди. Унда айтилишича, «Хўрозга ҳайкал қўйиш керак, лекин...» сарлавҳали мақолада қайд қилинган ҳолат Урганч туманидаги Ш.Зарипов номли паррандачилик очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ҳақиқатдан ҳам юзага келган.

Акциядорлик жамиятининг собиқ раҳбари Я.Рўзиматовнинг шу даврдаги фаолияти тегишли идоралар томонидан ўрганилмоқда.

2000 йилнинг сентябр ойида акциядорлик жамияти бошқаруви раиси этиб Р.Ҳасанов сайланди. Ҳозирги кунда бу корхонада 10,6 минг бош товуқ ва 52 минг бошдан зиёд жўжа парваришланмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 335,8 минг дона тухум, 6,8 тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилди ва сотилди. Ишлаб чиқаришда қатнашаётганларнинг сони 160 кишига яқинлашди. Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари анча камайди.

Ушбу корхонани янада ривожлантириш учун зарур бўлган чоралар кўрилмоқда.

*Ижтимоий муҳофаза*

# ИШ ҲАҚИ

## ўз вақтида берилаяптими?

***Комилжон Бойматов янги йил арафасида Тошлоқ туманига прокурор этиб тайинланди. Янги прокурор хўжаликлар, жамоалар, меҳнат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан танишаётиб, кутилмаган муаммога дуч келди. «Пахтабанк»нинг маълумотларига кўра, тумандаги хўжаликлар, корхоналарнинг иш ҳақи ва нафақалардан қарзи 83 миллиондан ортиб кетибди. Ҳолбуки, йил якуни бўйича берилган маълумотларда бу рақам анча озайтириб кўрсатилган экан.***

Прокурор ўзининг дастлабки иш кунини ижтимоий муҳофазанинг муҳим шарти — аҳолига тўланадиган нафақалар ва маошлар тўланишида сансалорликка йўл қўйилганлиги сабабларини излашдан бошлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иш ҳақи, нафақа, умуман, ижтимоий ҳимоя масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам прокурор солиқчилар, молиячилар, иқтисодий мажмуа ходимларидан иборат махсус гуруҳ тузиб, муаммони жиддий ўрганишга киришди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўплаб хўжаликлар, ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ходимларига тўланадиган иш ҳақи, нафақаларни иккинчи даражали иш қаторига суриб қўйиб, маблағларни ўзларига манфаатли, фойда келтирадиган йўналишларга буриб юборишган экан. Бу фикрни касаба уюшмалари томонидан ўтказилган текширишлар ҳам яққол тасдиқлади.

«Заркент» жамоа хўжалиги тумандаги йирик, кўптармоқли хўжаликлардан бири. Ҳар куни хўжалик ҳисобхонасида ўнга яқин турли хил тушум ва кирим операциялари бажарилади. Афсуски, иш ҳақи муаммоси бу хўжаликда ҳам орқага суриб қўйилган экан. Бўлмаса, хўжалик аъзоларининг иш ҳақидан салкам 6 миллион қарзи бўла туриб, бу маълумотни бошқарув раиси А.Раҳимов, бош ҳисобчи Р.Мадраҳимовлар ҳар хил йўллар билан хаспўшлашга ҳаракат қилишармиди? Халқимиз юз-хотирли, андишали. Бетгачопар эмас. Қарангки, ушбу хўжалик раҳбарлари буни ўзларича тушунишади. Натижада мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишгача бориб етишади. Иш ҳақи учун нақд пул ҳисобига ажратилган 1 миллион 622 минг сўм маблағнинг фақатгина 50 минг сўмини иш ҳақига ажратишди, холос. 500 минг сўми эса бозор нархидан 3-4 баравар қиммат бўлган, халқимиз унча суймайдиган оппоқ рангли Европа нусха плашчларни сотиб олиш учун бир хусусий фирмага ўтказиб берилади. Кейинчалик бу ўтмас матолар хўжалик аъзоларига иш ҳақи сифатида тавсия қилинади. Табиийки, Ғарбнинг ялтир-юлтур тўнларини иш ҳақи сифатида қабул қилишга ҳеч ким рўйхушлик бермади.

Бу матолар ҳамон хўжалик омборида чанг босиб ётибди. Ўзларининг пинҳона ишлари ими-жимида битиб кетади, деб ўйлаган раис ва бош ҳисобчига қонун олдида жавоб беришга тўғри келди. Уларга Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан иш қўзғатилди. Етказилган зарар ундирилиши билан бирга, уларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 70 баравари миқдорида жарима солинди.

— Биз раҳбаримиз юввош, мусичадай беозор деб юрган эканмиз, — дейди «Заркент» жамоа хўжалигининг Қашқар қишлоғида истиқомат қилувчи Исоқжон Маматов. — Йиллаб пахтазорда қилган меҳнатларимиз, ғаллазордаги тўккан терларимиз учун иш ҳақини ололмай сарсон-саргардон юрибмиз. Ҳақимизни талаб қилсак раҳбарлар бош бармоғини юқорига кўтариб, туман ва вилоятдаги мутасаддиларни қора қилиб кўрсатишарди. Ҳолбуки, уларнинг қилмишлари барча сир-асрорни аён қилиб қўйди.

«Заркент»даги бу воқеа бир зумда бутун туманга ёйилди. Эшитганлар қонуний ҳақларини талаб қилиб, прокуратурага мурожаат билан кела бошлашди. Одамлар орасида ижтимоий фаоллик кучайди. «Навбаҳор» жамоа хўжалигидан ташриф буюрган бир гуруҳ фуқаролар шундай бедодлик улар меҳнат қилаётган хўжаликда ҳам содир бўлаётганлигини куйиниб гапиришади. Текширишлар бу маълумотлар муаммонинг фақат айрим жиҳатлари эканлигини исботлади. Хўжаликка янги йил ҳосили учун 6 миллион 324 минг сўм маблағ ўтказиб берилади. Бунинг 1 миллион 437 минг сўми пахта етиштириш билан боғлиқ меҳнат ҳақи ва унга тегишли тўловларга ажратилиши лозим эди. Ширкат хўжалигидаги собиқ мансабдор шахслар эса айнан ажратилган шу иш ҳақини «бир айлантириб олишга» ҳаракат қилишади. Мансабларини суиистеъмол қилган ҳолда «Робияхоним» фирмасига озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ўтказиб беришади. Ахир бу нафақат молия ва банк интизомининг бузилиши, балки қишин-ёзин хўжалик обрўси, иқтисодиёти учун курашаётган аъзоларнинг ҳақига хиёнат эмасми?! Албатта, бу фирибгарликка ўз вақтида чек қўйилди. Энг муҳими, кеч бўлса ҳам хўжалик аъзолари пешона терлари эвазига бериладиган маошни олишга эришдилар.

— Тумандаги меҳнат фаолиятимнинг дастлабки уч ойида эътиборни асосан нафақалар, кам таъминланган оилаларга бериладиган ижтимоий муҳофаза ҳақлари, муддати ўтаган маошларни ундиришга қаратдим, — дейди туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Комилжон Бойматов. — Шу қисқа вақт ичида аввалги йиллардан янги йилга қарз сифатида ўтиб қолган 83 миллион сўм иш ҳақи ишчилар, бюджет муассасалари ходимлари, жамоа аъзоларига тўланди. Баъзан прокурор жиноятчилик бир ёқда қолиб кетиб, ижтимоий муаммолар билан шуғулланяпти, деган дашномларни ҳам эшитишга тўғри келди. Лекин бизнинг фаолиятимизни, амалга оширган ишларимизни вилоят прокуратураси раҳбарияти тўлиқ қўллаб-қувватлади, одамлар ўртасида меҳнат қилган, албатта, унинг мевасини тотишига ишонч пайдо бўлди. Меҳнатга муносабат ўзгарди. Шу йилнинг илк натижалари, пилла ва дон тайёрлаш режаларининг ошириб бажарилганлиги ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Албатта, айрим хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи иш ҳақларини нақд пул шаклида тўлаш имконини бермади. Бу борада ҳам бевосита маош олувчиларнинг розилиги билан уларга турли хил кундалик эҳтиёж моллари, ҳар хил маҳсулотлар берилди. Хусусан, «Яккатут» жамоа хўжалигида аъзоларга 1 миллион 344 минг сўм нақд пул берилган бўлса, 1 миллион 550 минг сўмлик гуруч, ўсимлик мойи, макарон маҳсулотлари ҳамда 416 минг сўмлик пойабзал тарқатилди. Х.Марозиқов номли ширкат хўжалигида ҳам 1 миллион 176 минг сўмлик ўсимлик мойи иш ҳақи тарзида берилди. М.Эргашев номли жамоа хўжалигида эса иш ҳақининг бир қисмини узишга фермер хўжаликлари ёрдам беришди. «Эркабоев» фермер хўжалиги 291 минг сўмлик, «Оқ чашма» фирмаси 200 минг сўмлик сариёғ, гўшт ва тухум маҳсулотларини етказиб беришди. Бу маҳсулотлар хўжалик омборларига кирим қилиниб, сўнг иш ҳақи сифатида тарқатилди.

Текширишлар, таҳлиллар шуни кўрсатдики, иш ҳақидан қарздорлик, уни вақтида тўламаслик баъзи корхона ва ташкилотларда ҳам мавжуд экан. Негадир айрим раҳбарлар қўл остидаги ходимлари аҳволини кўра била туриб, ўзлари ҳуфиёна, бировга билдирмай, ими-жимида маошларини олишга ҳаракат қиладилар. Халқимизда «кўза кунда эмас, кунида синади» деган мақол бор. Туман дезинфекция станцияси бошлиғи А.Иброҳимов, Х.Эргашевларнинг хурмача қилиқлари тез орада ошкор бўлиб қолди. Улар ўзлари раҳбарлик қилаётган жамоа ходимларининг 843 минг сўм иш ҳақидан қарзлари борлигини била туриб, ҳар ойда 20 минг сўмдан иш ҳақи олиб, ҳеч нарса билмагандай юраверишган. Сир очилиб қолганда ўз ходимларига, жўжабирдай оилани тебратиш учун мўлтираб турган муштипар оналар кўзига қандай қарашганлиги бизга аён эмас. Ҳар қалай ўз ходимлари ва виждонлари олдида жавоб беришган ва узр сўрашган бўлса, нур устига нур.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

